

## ШАРТЛИ ИФОДА ВА ОБРАЗ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ

*Алиева Сарвиноз Аббосжон кизи,  
ФарДУ англиз тили амалий кафедраси ўқитувчиси,  
Шахло Акрамова  
Мухаммадзикрëева Мохигул  
ФарДУ хорижий тил ва адабиëти факультети талабаси,  
Фаргона шаҳри (Ўзбекистон)*

Бадиий адабиётда мажозий образ ёки рамзий ифода асарнинг бадиий-эстетик қимматини, таъсир кучини оширишга хизмат қиладиган воситалардан биридир. Мажоз – адабий бадиий усул ёки образлилик тури; мавхум тушунча ёки мулоҳазаларни аниқ бир образ воситасида ифода этиш. Мажозда икки хил тушунча орасидаги яқинликка асосланиб, янги шартли ифода яратилади. Маънавий кадриятлар (хақиқат, муҳаббат, виждон, имон каби)ни умумий тушунчалар билан бирга маълум типик ходисалар, характерлар, мифологик персонажлар, хатто аниқ шахслар бўлиб, маъноли томон бирламчи, образлиси иккиламчидир.

Кундалик мулоқот ва муомалада, сўз санъати намуналарида шартли ифоданинг икки хил кўринишини кузатишимиз мумкин. Баъзан қушга хос хатти ҳаракат ва характер хусусиятлари инсонга кўчирилади. Масалан:

*Қайга борсанг ғоз юрарсан бошда дўппи гердайиб... (Эркин Воҳидов)*

Шоир мазкур мисрада миллий ифтихор рамзи бўлган бош кийимини кийган ҳолда ғурур билан юрадиган юртдошлари образини қушга хос белги ва хусусиятлар орқали гавдалантирмоқда.

*Қарға юриш қиламан деб, чумчуқнинг чатаноғи йиртилибди. (Матал)*

Сўзловчи бундай мажозий ўхшатишлар орқали кимгадир тақлид қилиб, қўлидан келмайдиган ишга уринадиган кимсаларни қушларнинг хатти-ҳаракати орқали гавдалантириб, тингловчига мақсадни образли етказишга, лўнда ва қатъий ҳукм чиқаришга ҳаракат қилади.

*Яна:* Бир чўқиб, икки аланглайди. Бу ўринда ҳар бир нарса-ҳодисага ҳадиксираб қарайдиган, журъатсиз ва хавотирда юрадиган кишиларга нисбатан қушга хос ҳуркаклик хусусияти шартли ифодалар орқали кўчирилмоқда.

Айрим ҳолларда шартли ифоданинг иккинчи кўринишига ҳам дуч келмамиз. Бундай ифодада одамларга хос характер, хатти-ҳаракат ва кўринишлар қушларга кўчирилади. Масалан: “Мақтанма ғоз, хунаринг оз (*Халқ мақоли*). Бу ўринда бирор касб-хунарни чала-чулпа ўзлаштирган, бирор юмушни мукамал охирига етказа олмайдиган, аммо ўзини ўша соҳанинг билимдони ва устаси қилиб кўрсатишга уринадиган кимсалар назарда

тутилади. Мақол аслида Шарқда машхур бўлган сувда балиқдек суза олмайдиган, парвозда лочинга тенглаша олмайдиган, ерда кийикдек югура олмайдиган, лекин сузишга, ерда юришга, кўкда уча олишга қодир бўлган ғоз ҳақидаги ҳикоятнинг хулосаси бўлгани учун ҳам ўқувчи ёки тингловчи онги-шуурига дарҳол етиб боради ва бадий-эстетик таъсири таъминлайди. Ёки “Осмон тушиб кетса тутиб қоламан деб, синчалак оёғини осмона қилиб ётар экан” (Абдулла Қаҳҳор) сингари образли ифодада ҳам инсонга хос калтабинлик ва ўзига бино қўйиш хусусияти қушга кўчирилмоқда. Бундай шартли ифодалар оғзаки адабиётда кўплаб учрайди ва ёзма адабиётга ҳам ўзининг самарали таъсири кўрсатиб келмоқда.

Шарқ фольклори ва ёзма адабиёти намуналарида мажознинг турли шакллари кўплаб учрайди. Айниқса, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил сингари сиймолар ижодида шартли, мажозий ва рамзий образлар мавжуд бўлиб уларнинг кенг миқёсли мазмуни баъзан реал-ҳаётий образга сиғмайди. Шунинг учун ҳам кўпмаънолилиқка, фалсафий теранлиқка, умумбашарий ғоялар ва масалаларга бойлик ҳамда бадий юксаклиқка кўплаб машхур асарларда ана шундай мажозий образлар воситасида эришилган. Шарқнинг машхур шоирларидан бири бўлган Умар Хайём рубоийларидан бирида шундай дейди:

*Бизлар қўғирчоқмиз, фалак – қурчоқбоз,*

*Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.*

*Йўқлик сандигига кетамиз бир-бир –*

*Вужуд палосида ўйнагач бир оз!*

(Форсчадан Ш. Шомухамедов таржимаси).

Шоир бу ўринда Шарқ шеърлятида ижтимоий-ҳаётий муаммоларнинг аксарияти мажоз воситасида ифодаланишига ишора қилар экан, иккинчи томондан, мажозий ифодада ҳам ҳаётий ҳақиқат ёрқин кўзга ташланиб туришини баён этмоқда.

Форс-тожик адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, мутафаккир шайх Фаридиддин Аттор (тахминан 1141-1229) ўз ижодий фаолияти билан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Шоирнинг кўпсонли асарлари орасида “Мантиқ-ут тайр” достони алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур дostonда муаллиф тасаввуф таълимотининг асосий қонун-қоидаларини мажозлар воситасида изчил баён этади.

Дostonда Булбул, Товус, Тўти, Тазарв, Кабк (каклик), Бум (Бойқуш), Уқоб (Бургут), Бат (Ўрдак) ва бошқа қушларнинг образлари мавжуд. Шоир мазкур образларни жамиятда тутган ўрни, машғулот ва характери жиҳатидан бир-биридан ажралиб турувчи муайян шахс типларининг мажозий образи сифатида талқин этади. Бу соҳада у, асосан, ўз даври халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт ва

тасаввуф шеърятда тўпланган бой тажрибаларга суянади. Масалан, Уқоб образи фолклор ва бадий адабиётда бўлгани каби мағрурлик тимсоли, Товус эса ўз ташки гўзаллигини кўз-кўз қилиб, мағрурланиб юрувчи усти ялтироқ, ичи қалтироқ кишиларнинг мажозий-аллегорик образидир. Қушлар образини шу хилда ижтимоий ҳаётга яқинлаштириш шоир учун тасаввуфга доир энг муҳим назарий масалаларни кенг баён этишга имкон берган.

Шоирнинг мазкур мавзунини ривожантиришга қўшган муҳим ҳиссаларидан бири унинг асаридан Худхуд (попишак) образининг ўрин олишидир. Чунки Аттот асарида Худхуд бош, етакчи қаҳрамонлардан бири бўлиб, дostonдаги барча воқеа-ҳодисалар бевосита унинг фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда берилган. Аттотгача бўлган шу типдаги асарларда бу образни учратмаймиз.

Аттот Худхуд образини асосий мавзу доирасига олиб кирар экан, биринчи галда у ҳақдаги Шарқ фолклори ва Қуръонда мавжуд айрим маълумотларга таянади. Ривоятларга кўра, Худхуд Сулаймон пайғамбарнинг энг яқин сирдоши ва яқин маслаҳатчиси бўлиб, у билан Сабо шаҳри маликаси Билқис ўртасидаги севги муносабатларида воситачилик ролини ўтаган ва бу борадаги алоҳида хизматлари учун пайғамбар назарига тушган. Бошқа ривоятларда ҳам Худхуд ана шу тарзда донишманд ва махфий сирлардан хабардор қуш сифатида талқин этилади. Шоир мазкур ривоятлардан ижодий фойдаланиб, Худхудни Симурғ томон сафарга чиққан қушларнинг йўлбошчиси сифатида тасвирлайди. Худхуд образига юкланган бу вазифа уни тариқат йўлига кирган сўфийлар раҳнамоси (пири муршид)нинг умумлашма мажозий образи даражасига кўтаради. Шунга мувофиқ, асарда тасаввуфга оид барча назарий ва амалий масалалар унинг тилидан баён этилади.

Аттот афсонавий Анқо қуши ўрнига форс-тожик халқлари орасида машҳур бўлган Симурғ қушини асарга олиб киради ва шу орқали унга жуда катта ғоявий-бадий вазифа юклайди. Дostonда ҳикоя қилинишича, йетти водийдан (Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру фано водийлари) учиб ўтиш жараёнида Симурғни излаб йўлга чиққан қушларнинг деярли барчаси ҳалок бўлиб, атиги ўттизтаси кўзланган манзилга йетиб келади. Ана шу ўттизта қуш (си мурғ) Симурғ (худо) га айланади, ўзларида Симурғнинг белги-фазилятларини кўради.

Дostonнинг юзага келиши Шарқ халқлари адабиётида катта воқеа бўлди. Асар мажозий тасвир усули орқали тасаввуфий-фалсафий масалаларни ифода этишнинг эпик поэзиядаги мумтоз намуналаридан бири сифатида шуҳрат қозонди. Ўзидан кейинги форс-тожик ва туркий халқлар адабиётининг фалсафий-дидактик йўналиши тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб, Шарқ шеърятда янги бир анъанани – қуш тили билан асарлар яратиш анъанасини бошлаб берди.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Лисон-ут тайр. Тошкент. 1989
2. Аристотел. Поэтика. Тошкент. 1980
3. Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980.
4. Сайфиддин Рафиддин. Мажоз ва ҳақиқат. Т.: 1998
5. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. 2010